

Томдан тараша МУАММО

Соқолим ўсмай тур, ўсмагин бир кун
Ахир бугун "леви" қолмаган.
Соқолим ўсмай тур, ўсмагин бир кун
Бугун учрашув бор севгилим билан.
Ер менинг юзимга қандай қарайди,
Мен унинг кўзига қандай қарайман?
Уялмай шу ўсган соқолим билан
Қандай қилиб "ўпич бер" деб сўрайман?

ҚОР КУРАШГА ЧИК, САНАМ

Отворама куракни,
Бир ураман теракни,
Ғижимлайман юракни,
Қор курашга чик, санам.
Мўралайман тешикдан,
Қиролмайман эшикдан,
Эзиламан қўшиқдан
Қуйламагин, эй, санам.
Укачанг тош отади,
Онаниг эшик ёпади,
Қўзимда ёш қотади,
Отма, дегин айт, санам.
Қўриқладим кўчангни,
Шифери йўқ уйчангни,
Қўрсатмадинг бўянганни,
Ҳаққин тўла, бўл, санам.

Тожирурод ФАЙЗИЕВ,
Жиззах.

Судаймон ота яшайдиган
қиллоқда янги қасбоси иш
бошлабди, сал фураст ўтмай у
ҳақда турли миш-мишлар
тарқалибди: "Тарозининг палласига
магнит ёпиштириб қўймиш",
"Магнит эмас, каллатери ёпиш-
тираркан, қўлга тушса, гўшт
тортаётганимда ёпишган дейди-да",
"Эшитмабсиз, қўшни, гўшт
комбинатидан арзон-гаровга чарви
олиб келиб, гўштга қўшиб
сотармиш", "Э, булар чепука, эчки
гўштини қўй гўштга аралаштириб
сотармиш, ергина юттур".

Судаймон отанинг бир одати
бор, ўзи қўрмагунча бировнинг
гапига ишонмайди. Қасбосини
синамоқчи бўлиб, дўконга
кирибди. Қуёқ салом-алиқдан
сўнг чуқур ўш тортиб, дариларини
ерибди:

— Иш чатоқ, ука.
— Тинчликми? — қасбос
хайрон бўлибди.

— Анча бўлди, бир бедаво
дардга йўлдиққанман. Дўхтирга
борсам ҳаммаси қўй гўштини кўп
еганингиздан, дейди.

— Биздан қандай ердан,
Судаймон ота?

— Бундан бир неча кун
қўй гўшти емасининг керак экан.
Дардимни баттар қилармиш.

Соғлиқ керак бўлса, — дейди
дўхтир, фақат эчки гўшти ейсиз.
— Бугея чатоқ бўлибди-ку, ота.
— қасбос йигит талмовсирабди. —
Эчки қалайиб кетгандан буен ҳеч
ким сўймай қўйган. Бир йилда бир-
ярим сўйишмаса, унда ҳам ўзлари...
— Ҳа, энди бир укалик қиласиз-
да. Гўшт емасам онаси эмизмаган
боладек бўп қоламан.
Қасбос роса таранг қилибди.
Ота ҳам холи-жонига қўймабди.
Охири қасбос эригандек бўлибди.
"Ҳеч қиммат айтмасангиз, озоқ

топиб бераман", дебди. Бир оғта
етадиган бўлақолсин, деб ота ўн
кило эчки гўшти тортирибди.
— Энди укам, дебдилар
Судаймон ота соқолларини силаб,
— оилада қозон ҳам иккита
қилинадиган қўрниди, Мен гўшт
есам, болалар қараб турса яхши
бўлмас. Улар учун ҳам биратўла
қўй гўшти олақолай. Нима
ледингиз?
— Дард қурсин, ота, жуда тўғри
айтдингиз, — қасбос ҳам гўштини
тезроқ сотишни мўлжаллаб,

ХАНДАЛАР

— Нима, севгилинг билан "пўм"
чиқдингларми?
— Ҳа, шунақа бўлиб қолди.
— Нима, унга бойвучча амакинг тўғрисида
айтиб бермаганимдин?
— Ҳама бало шунда-да. У ҳозир менинг
келиноим....

Рассомдан сўрашибди:
— Айтгинчи, сиз сўвратингизни табиий
катталигига узайтириб чиқоласизми?
— Ҳа, алабатта. Бу бизнинг касбимиз-ку!
— Офарин! Мана сизга, бўлмаса,
"Ниягара шаршара"сининг кичик сўврати...

— Дастлабки икки одамнинг қандай пайдо
бўлганини айтиб берайми, болам?
— Эй-эй... Уччинчисини айтгин...

— Агар хўжайин сўзини қайтиб олмаса,
ишдан кетаман.
— Сенга нима деди у?
— Ишдан кетмасанг бўлмайди, деди.

— Хотинимнинг хотираси жуда чатоқ-да...
— Нима, паршонхотирми?
— Йўқ, аксинча. Ҳеч нарсани эсдан
чиқармайди.

Уйку доридида ёзув: "Бу дорини албатта
етиш олдида ичиш тавсия этилади!"

— Эрингни нукул қечқурун кўчада
қўраман...
— Уйда елғиз ўтиролмайдими, шўрлик.

Хайрулло ҲАМИДОВ.

ҚОҲИРА ЎЗБЕКЧА СЎЙЛАЙДИ

Миср радиосининг 60 йиллик юбилей тўйи муносабати билан
радиоэшиттиришлар вазирлиги ўзбек тилида олиб бориладиган янги
дастур ташкил этишга қарор қилди.

Ҳар кун 3 соат мобайнида эшиттириладиган бу дастур
Ўзбекистон фуқаролари ва Миср-Араб республикасида сабоқ
олаётган ешларимиз учун мўлжалланган.

“ТРАМВОЙ-ДО”

Япониянинг энг катта "яккасака"
ўйингоҳи биринчи марта ишчиболларга
торик қилиб қолди. Бу ерда спортнинг
таэквандо, айкы-до, дзю-до, каратэ-до ва
бошқа "до-до"лар бўйича жаҳон
биринчилиги бўлиб ўтди.

Бир неча кун давом этган кескин
курашлардан сўнг, япониялик спортчи Яса
Мури мусобақанинг мутлоқ ғолиби деб
топилиди ва унга ғолибликнинг олтин
нишонини топшириди. Тақдирлаш
маросимидан сўнг, мусобақа бош хаками
томошабинларга қараб мурожаат қилди:
Жаноблар! Ораларингда мутлоқ ғолиб

билан курашишни истовчилар бўлса,
марҳамат!

Атроф сув қўйгандек жим-жит бўлиб
қолди. Ҳама бир-бирига қарайди. Шу
пайт ўртага орик, рангларини йигит чиқиб,
қўлидаги катта жомадонни ерга қўйди-да,
ҳакам билан қўришиб, максидини баён
эти. Ўйингоҳ "каккаха"дан ларзага келди.

Кураш бошланди. Ғолиб менсимай йигитга
яқинлашди ва... унинг оғи остига чирган
дархатдек қулаб тушди. Ғолиб жажл билан
ўридан туриб, яна йигитга ташланди.
Афсуски, яна у ерга чилларчин бўлди.
Бундай ҳолат яна ва яна такрорланди.

«ПОЙГА...»

Жонфигон

Ғолибни майдондан замбилда олиб чиқиб
кетилди. Ҳакам йигитни табриклаб, уни
каерданлигини, қайси спорт
жамоасиданлигини, миллатини сўради.
— Тошкентликман, — деди йигит
бепарволик билан, — Ўзбекман. Бу ерга
тижорат учун келганман. Спортнинг
"Трамвай-до" тури билан шуғулланаман.

Ҳакамлар спортнинг бу янги турини
эшитиб ажабланишди ва бу турни изохлаб
беришни илтимос қилишди.

— Мен тўрт йилдан бери 8-трамвойда
"Штаб" бекатидан "ЦУМ" бекатигача ишга
катнайман. Бу масофада чўнтагингизга

кираётган бегона қўлдан ҳимояланиб, тум-
шунингиз олдида ўралаётган бегонанинг
оёгини қайтариб, ўзганинг тирасига
даханингизга тегмаслигини таъминлаш ва
шу заҳоти тирасингиз билан енгинидаги
кишини туртиб, олдинга интилиш,
тикилинча беҳосдан оёгингизни босиб
олишларини олдини олиш, босиб олса, оёқ
эгасини топиб, уни оғоҳлатиш каби
бир-биридан гўзал усуллар "Трамвай-
до"нинг бўлақларидир. Энг зўр усул —
"Доодахўжа" усулидир. Бу усулни
"Бешкайрағоч" — Эски Жува" оралингдаги
масофада ўрганиш мумкин.

Ўргатувчилар аввал 8-трамвой бекатига
келиб, икки-уч соат кутиб асабларини чи-
киртиришлар керак. Сўнг уч-тўрт ой
эшиклан ташқаридида осийиб кетсин, ойнадан
чиқиб қилиш, кейинги бекатгача чопиб

бориш ва шунда ҳам трамвоига чиқолмай
қолиб кетишга руҳан ўзларини чи-
киртиришлари даркор.
Икки оғиз "Трамвай-до"нинг
мутасаддилари ҳақида: "Трамвай-до" спорт
турининг ривожига катта ҳисса қўшаётган
Тошкентдаги 2-трамвой депоси
раҳбарларига ўз "миннатдорчилигини"
билдираман. Улар қўлларидан келган барча
имкониятлардан унумли
фойдаланаяптилар. Хозирги кунларда
спортнинг бу турини қўчайтириш
мақсадида йўналишдаги трамвоилар
сонини қўндан қўнга қамайтирмоқдалар.
Натига емон эмас...

"Адан Ягача"нинг мухлис мухбири
Суръат САЛОҲИДИНОВ.

ФУТБОЛ ТҶИПИ АТРОФИДА

ХУ жаҳон чемпионатида футбол учрашувлари қизиги
паллага келган бир пайтда, биз азиз муштарийларимизни
африм маълумотлар билан таништириб ўтганимиз лозим
қўриқ. Зеро, бу манбалар футболнинг миллионлаб
пиннавадаларини қизиқтираётган бўлса ажабмас.

ЭНГ ЧИРОЙЛИ ФИНАЛ.
Мутахассисларнинг фикрича, бу
1974 йили Мюнхенда Ғарбий
Германия билан Голландия
ўртасида ўтказилган
учрашувдир. Баҳода 2:1
хисобида немислар ғолиб
чиққан эди. Уша машҳур
финал ўйинида Франц
Беккенбауэр ва Йохан
Круффлар учрашувнинг
ниҳоятда қизиқарли ўйинини
таъминлашган.

ЗЕРИКАРЛИ ФИНАЛ.
Олимпиада — Аргентинанинг 1990
йилдаги учрашуви шундай ном
олган. Бунга аргентиналиклар
сабаб бўлишган эди. Улар
дуранида ва ўйиндан кейинги 11
метрлик тўп телишларга
эришмоқчи бўлиб, "ният"ларига
эгадилар ҳам. Ўйин, 64-дақиқада
ўз дарвозавари томон
белгиланган 11 метрлик жарима
тўпини ўтказиб юборганлар.

ЯҒОНА ЖАМОА Бразилия
терма жамоаси барча 15 та
жаҳон чемпионатида иштирок
этган ягона жамоадир.
ЖАҲОН ЧЕМПИОНИ
УНВОНИ учун Германия
Федератив Республикаси терма
жамоаси энг кўп кураш олиб
борган. Улар олти марта — 1954,
1966, 1974, 1982, 1986 ва 1990
йилларда финал ўйинининг иш-
тирокчиси бўлишган. Қани
иқрабликми, бу тап қандай
бўларкан!

ЭНГ ОҒИР ОМАДСИЗЛИК.
Уни Англияда ҳамон
"футболнинг ватани учун миллий
шармисорлик", деб ўқин билан
хотирлашди. Гап 1950 йили
Англия жамоасининг АҚШ
футболчиларига қўтилмаганда
футболчиларига қўтилмаганда
0:1 хисобида ютказиб
қўйилганлиги ҳақида бормоқда.
Бу маълумият миллионлаб инглиз
футболсеварларини қаттиқ
ранжитганди.

ЭНГ СЕРМАҲСУЛ ҲАМОН
Финал турнирларининг энг
тўплагар тўп учрашуви (12 та
гол) Австрия-Швейцария
учрашувида қайд этилган (7:5).
Бу 1954 йили бўлган эди.
ТОРТИШУВГА САБАБ
БЎЛГАН ТҶИПИ. 1966 йили
Англиянинг жаҳон
чемпионатининг финал
учрашуви. Майсанда Англия
Германия. Немисларнинг
дарвозасига Диефф Ҳарст
томонидан зарб билан тепилган
тўп дарвоза тўсинига тегди.

Ахрор ЖАББОРОВ.



АЖДАР БИЛАН ОЛИШУВ

• ГИЕХВАНД мода қабул
қилган Же каб Бауэр ярим
кечаси Сан-Францискодаги
хитойлар яшайдиган маҳаллага
келиб қолди. Тўсатдан бу
гилхавнинг рўйсасида унга
ташланмоқчи бўлиб турган
байбат аждар пайдо бўлди.
Жон-пони чиқиб кетган Бауэр
дарҳол тўпмончасини чиқариб
дарвоза бўлиб турган хайвонга
қарата барча ўқларини отди.
Отишма товушини эшитиб
кедган полициячилар Бауэрни
йўл четига аждарни ўлдириш
учун тўпмончасини қайта
ўқлаётганида қўришган. Бу
аждар хитойликлар ресторанига
кираверилди рекалма учун
чиқилган сурат экан.

АЁЛ ЛИБОСИНИ КИЙГАНДАН КЕЙИН БУТУНЛАЙ АЁЛ БЎЛГАН-ДА

• ОРЛАНДО исмли
жиноятчи Лион қамқоҳонасидан
аёл кийимини кийиб, қочиб
кетди. Бироқ икки соат ўтгач,
яна полициячилар қўлига тушди.
Сабаб: у кўчада юрганда аёл
кийимида бўлишга қарамай
эркаклар ҳожатхонасига кириб
кетган ва кўпчиликда шубҳа
уйғотган.

ҚОНУН — ҚОНУН-ДА!

• ШВЕЙЦАРИЯЛИК 37 ешли
Матти Суока бир неча йил
Замбияда ишлади. Бу
мамлакатда у икки марта
ўйлади, чунки маҳаллий
қонунга биноан қўшотиндиққа
рухсат берилганди. Ниҳоят,
орзиқиб қутулган қўнлар келди.
Матти қора танли икки
рафисига билан ватанига қайтиб
келиди. Бироқ, энди уни катта
муаммо қутарди. Швейцария
қонунига биноан икки хотин
билан яшаш мумкин эмасди, акс
ҳолда уни суд қутарди. Бечора
Суока нима қилсин — иккала
хотинини ҳам баробар "сенса"...
Устаси фаранг Матти йўлини
топти — рафисларини хафа
қилмаслик учун иккаласи билан
ҳам ажралишди, лекин худди
ер-хотиндек ашайверди. Бу
нарсаси Швейцария қонунига
таққилланган.



Бош муҳаррир Гаффор ҲОТАМОВ

Туркистон

Таъсис этувчи:

ЎЗБЕКИСТОН ЁШААР ИТТИҒОҚИ
МАРКАЗИЙ КҮМИТАСИ

газета 1925 йил 8 февралдан "Еш ленинчи" номи билан чиқа бошлаган.

ТАҲРИРИЯТ:

хатлар ва оммавий ишлар — 32-54-65; ёшлар сиёсати ҳамда фан
ва ҳаёқ таълими — 32-57-93; ижодкор ёшлар — 32-57-52;
иқтисод, қишлоқ ёшлари, спорт ва ватанпарварлик — 32-55-81;
ахборот ва бадий беаза — 32-53-98; тижорат — 32-58-48;
қабулхона — 32-56-58.

МАНЗИЛИМИЗ:

100101, Тошкент, Машҳурад йўли 2-й
Нашр қўрсаткичи: 64607

суратлар муаллифларга қайтарилмайди ва таҳлил
этилмайдими.

Газетамиз ҳафтанинг
чоршанба ва шанба
кунлари чиқади.
Қўлёзмалар ҳамда